

## №11- сонли пудрат шартномаси

18 март 2022 йил

Уйчи тумани

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган УЙЧИ ТУМАН ХОКИМЛИГИ номидан иш кўрувчи Д.Нурматов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “БУНЁДКОР БИЛОЛХОН ХАМКОР ФАЙЗ”МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи Д.Азимов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I.Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Истиклол МФЙда жойлашган кўп каватли уйлар канализацияси учун жой қуриш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни жорий таъмиглаш учун зарур шароитлар яратиб, бажарилган ишларни қабул килиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II.Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномасини (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2,Ф-3 асосидан хисоб-китоб қилиш учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи пудратчига майдонни вақтида йигиб беради.

3 .Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилди ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига туғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

### III.Пудратчини мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома ишларига мувофик топширади.

2. Буюртмачи пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши.

3. Курилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф-мухитни, ўтқазилган дарахлартни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни бажарилишини таъминлашни;

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

6. Таъмилаш давомида лойиха смета хужжатларида хисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан кўшимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тугрида буюртмачга ёзма равишда хабар беради.

### IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кунидан бошлаб 1 ой давомида Пудратчи ишларни қабул қилиш зарур ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда мажбуриятларини олади.

### V. Тўловлар ва хисоб-китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтидаги умумий суммаси 81 000 000 (саксон бир миллион) сўмни ташкил этади
2. Буюртмачи пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу эса 24 300 000 сўмни ташкил қиласди. Қолган туловлар буюртмачи билан Пудратчи ўтасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 30 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширалади.
3. Хисоб-китоб шакли; Пудратчининг банқдаги хисоб- ракамига пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.
4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмилаш ишларини 18.03 йилдан бошлаб, 31.03 йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмилаши ишлари муддатидан олдин бажариш хукуқига эга. Бундай холатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги конунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равища хабардор қилиши керак.

## **VI Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятини бузганлиги учун Буюртмачига муддатини ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларини бажармаган кисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддатидан ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларининг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишни кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

## **VII Низоларни хал этиш тартиби**

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади

## **VIII Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) холатлар**

1. Агар ушбу шартноома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари в бошқа енгиб бўлмас кучч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилиш ига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулиқ ва кисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.
3. Агар енгиб булмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари 30 кундан кўп вақтга чўзилса у холда пудратчи ва буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини мухокама қиладилар.

## **IX.Шартномани бекор қилиш**

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгилган муддати Пудратчининг айби билан 15 кундан ортиқ муддатга чўзилган холда; Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда.
2. Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишлрнинг сифатини пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.
3. Объектдаги таъмилаш ишлари Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан 15 кундан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда, конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилиниши хукуқига эга;
4. Буюртмачи томонидан молиялштириш тухтатиб қўйилганда, конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилиниши хукуқига эга.

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қабул қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йул қўйилмайди, қонун хужжатларида кўзда тутилган холлар бундан мустасно.

**X.Алоҳида шартлар.**

1. Мазкур шартнома имзоланғандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йуқотади.

2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчι томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хақиқий хисобланада.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холатлар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада.

6. Шартнома томонлар имзолаб Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўткандан сунг кучга киради ва шартноманинг амал қилиш мuddати 31 декабрь 2022 йилгача.

**Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:**

**«Пудратчи»**

“Бунёдкор Билолхон Хамкор Файз”МЧЖ

Манзил: Уйчи туман Машад кишилоги

Ш-хв 20208000005090698001

Банк: ТИФ Миллий банк Уйчи филиали.

МФО: 00877

ИНН:306506155



Д.Азимов



**«Буюртмачи»**

Уйчи туман хокимлиги

Манзил: Уйчи туман А. Темур к 62 уй

Ш-хв: 100022860142297013990018002

ИНН 200 099 615 ХХТУТ 97600

Ўз Республикаси Вазирилиги Фазначилиги

Х/Р 23402000300100001010

МФО 00014 ИНН 201 122 919



Рахбар:

Д.Нурматов

  Н. Итоев

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“18” марг 2022 йил

Уйчи тумани

Уйчи тумани ҳокимлиги томонидан 2022 йил “9” марта  
№22110012044934-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22  
апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари  
талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи  
туманидаги Истиқлол МФЙда жойлашган кўп қаватли уйлар канализацияси учун  
жой куриш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан  
белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22  
апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари  
талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари  
якуни бўйича Bunyodkor Bilolxon Xamkor Fayz MCHJ томонидан берилган  
таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу  
танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари  
тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у  
расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама  
қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida  
танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар  
келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва  
харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома  
тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган  
муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан  
кўриб чиқилмайди.

Уйчи туман ҳокими биринчи ўринbosари

Д.Нурматов

Бош мутахассис

У.Кадиров